



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазири

А.И. Икрамов

“26” сентябрь 2025 йил

Тошкент вилояти, “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети” худудидаги мавжуд ошхона биносини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш орқали соғлом овқатланиш ва талабалар турар жойи фаолиятини ташкил қилиш лойиҳасининг концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳа номи:	Тошкент вилояти, “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети” худудидаги мавжуд ошхона биносини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш орқали соғлом овқатланиш ва талабалар турар жойи фаолиятини ташкил қилиш
Тармоқ номи:	Спорт
Лойиҳа тури:	Соғлом овқатланиш ва спорт ётоқхонаси
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми:	Молиялаштириш, лойиҳалаштириш, капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган:	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги
Давлат шериги:	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги
Лойиҳа жойлашган жойи:	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси №39 уйда

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки скрининг натижалари ҳақидаги батафсил маълумотни келтиринг ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ-414 – сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 30-октябрдаги 720-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Низомга асосан мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабалари учун қулай ва замонавий умумовқатланиш ҳамда турар-жой хизматларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Мазкур қонунларга асосан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси №39 уйда жойлашган “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети” худудидаги мавжуд ошхона биноси худудида замонавий ётоқхона ҳамда ошхонани ташкил қилиш, ҳамда фойдаланиш бўйича хусусий ташаббускор

“EKSLUSIVE FULL XIZMAT” МЧЖ томонидан тайёрланган давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.

Лойиҳа маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, озик-овқат ва турар-жой соҳаларида барқарор ечимлар яратиш, шу билан бирга давлат-хусусий шерикликни мустаҳкамлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Хусусий ташаббускор томонидан реконструкция қилинган бинода замонавий овқатланиш маскани ва ётоқхона ташкил этилиши орқали аҳолига қулай, ҳамёнбоп ва сифатли хизматлар кўрсатилиши, кам таъминланган ва имконияти чекланган шахслар учун ижтимоий чегирмалар кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида санитар талабларга жавоб берадиган ошхона ускуналари, қулай ётоқхона хоналари, муҳандислик тизимлари, энергия самарадор ечимлар ва хизмат кўрсатишни енгиллаштирувчи жиҳозлар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Маҳаллий иш ўринлари яратилади, фаолият давомида эксплуатация харажатлари хусусий шерик томонидан қопланади ҳамда лойиҳа муддати тугагач, объект давлат шеригига топширилиши кўзда тутилган.

Ш. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

	Кўшимча маълумотлар
1.	<p>Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. Лойиҳани баҳолаш ҳужжати</p>
2.	<p>Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input checked="" type="checkbox"/> Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошқа <input type="checkbox"/> Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ-414 – сон Қарорининг 4-илоvasи 46-бандида мазкур лойиҳани амалга ошириш белгиланган</p>
3.	<p>Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.</p>
4.	<p>Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган? 10-мақсад–тенгсизликни камайтириш.</p>
5.	<p>Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.</p>
6.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.</p>

7.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:</p> <p>1. Мавжуд 811,29 м² ер участкасидаги бинодан самарали фойдаланган ҳолда, уни тўлик капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали замонавий талабларга жавоб берадиган спорт ётоқхонаси ва ошхона мажмуасини фаолиятини йўлга қўйиш;</p> <p>2. Спорт ётоқхонасидан давлат ва хусусий шерик ўртасида махсус ишлаб чиқилган ойлик график асосида фойдаланиш орқали, инфратузилмадан тенг ва адолатли тарзда самарали фойдаланишни таъминлаш;</p> <p>3. Аҳолига сифатли, хавфсиз ва қулай овқатланиш ҳамда вақтинча яшаш хизматларини тақдим этиш. Хусусан, кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқаролар учун умумовқатланиш хизматларига махсус чегирмалар (50%) орқали ижтимоий барқарорликни қўллаб-қувватлаш;</p> <p>4. Меҳнат бозорида янги 19 та иш ўринларини яратиш ва маҳаллий аҳолининг бандлигини ошириш;</p> <p>5. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизми орқали хусусий сектор маблағлари ва тажрибасини жалб қилиш, лойиҳани узоқ муддатли ва молиявий жиҳатдан барқарор шаклда амалга ошириш.</p> <p>(Давлат-хусусий шериклик объектини бузиш, сотиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш ва ҳар қандай бегоналаштириш ҳолатлари тақиқланади.)</p>		
8.	<p>а) Лойиҳанинг қиймати (АҚШ долларарида):</p> <p>1 632,7 млн. сўм (130 001,37 АҚШ долл.)</p>	<p>б) Лойиҳа давридаги эксплуатация харажатлар миқдори (АҚШ долларарида):</p> <p>93 490,6 млн. сўм (7 443 963,83 АҚШ долл.)</p>	<p>в) Умумий харажатлар (АҚШ долларарида):</p> <p>95 123,3 млн. сўм (7 573 965,20 АҚШ долл.)</p>
<p><i>АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати (20.06.2025 й. 1 АҚШ доллари 12 559,26 сўм) лойиҳа концепциясининг концепцияни ишлаб чиқиши ва келишини кундаги Марказий банкнинг курси буйича ҳисобланади.</i></p>			
<p>г) ДХШ битимининг амал қилиш муддати:</p> <p>15 йил</p> <p>Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг:</p> <p>< 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input checked="" type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/></p>		<p>д) Лойиҳани амалга ошириш муддати:</p> <p>12 ой</p> <p>Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг:</p> <p><10 <input checked="" type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/></p>	
9.	<p>а). Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг:</p> <p>Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Эркин фойдаланиш учун тўлов <input type="checkbox"/></p> <p>б). Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларарида):</p> <p>Тўлик қувватда йиллик жами даромад 4 148,1 млн. сўмни (330 282,20 АҚШ доллари) ташкил этади:</p> <p>а) Умумовқатланиш фаолияти бўйича тушум - 3 879 562,50 минг сўм (308 900,56 АҚШ долл.);</p> <p>б) Ошхона бўйича ижтимоий химояга мухтож аҳоли бўйича тушум - 216 562,50 минг сўм (17 243,25 АҚШ долл.);</p> <p>с) Ётоқхона бўйича тушум - 51 975,00 минг сўм (4 138,38 АҚШ долл.)</p> <p>Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:</p> <p>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/></p> <p>Кўшимча фойда тақсимооти <input checked="" type="checkbox"/></p>		

в). ДХШ лойихасининг ташаббускорини белгиланг:
 Давлат ташаббускори
 Хусусий ташаббускор

г). Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда тендер ғолиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиси ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ, бир марталик тўловлар ундирилади ҳамда лойиҳа қиймати 1 млн АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги лойиҳалар учун бир марталик тўлов ундирилмайди.

10.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.					
	Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимооти асоси	Изоҳ
	Лойиҳага тегишли хавф-хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Курилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)	•				
	Курилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•		
	Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
	Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
	Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•		
Солик билан боғлиқ хатарлар			•			
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар			•			

	Конунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				
	Давлат шеригига келишилган тўловларнинг кечиктирилиши (тегишли жойларда)			•		
	Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
	Мулк реквизиция қилиш	•				
	Операцион хатарлар			•		
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар			•		
	Бошқа					
11.	<p>Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса қуйидаги маълумотларни тақдим этинг.</p> <p>а) Хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи): “EKSLUSIVE FULL XIZMAT” масъулияти чекланган жамияти</p> <p>б) Компания рўйхатдан ўтган давлат номи: Ўзбекистон Республикаси</p> <p>в) Аксиядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга): Бегматов Суннатулла Музаффар ўғли 100 %</p> <p>г) Боғланиш учун маълумот: Электрон почта манзили ekklusivfullxizmat@gmail.com Алоқа телефон рақами +99898 301 25 61</p> <p>д) Бизнеснинг қисқача мазмуни: 56.29.0 – Овқатланишни ташкил қилишнинг бошқа турлари</p> <p>е) Худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба: Тажрибага эга</p> <p>ё) Сўнги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва жами фойда:</p>					

- Хусусий шерик ракобат муҳитида ишлайди, шу боис хизмат сифатини ошириш ва янги технологияларни жорий этишга мустақкам рағбатга эга. Бу ўзгаришларга тез ва фаол жавоб бериш имкониятини яратади.

- Хусусий шерик бозор талабларига тез мослашади, стратегия ва тактикани зудлик билан ўзгартиришга қодир. Давлат тузилмаларидаги муҳандислик ва маъмурий жараёнлар қонунчиликдан келиб чиқиб, кўпроқ чеклов ва бюрократияга дуч келади.

- ДХШ модели ижтимоий гуруҳлар учун чегирмалар ва имтиёзларни қўллашда давлат билан шерикликни таъминлайди. Бу ижтимоий адолат ва ҳудудий ривожланишни бир вақтда амалга оширишга имкон беради.

- Ушбу ДХШ лойиҳаси 15 йилга тузилади, бу эса лойиҳанинг барқарорлигини таъминлайди. Ҳар икки томон учун жавобгарлик ва мониторинг тизимлари яратилиб, муваффақиятли ижро қафолатланади.

- Хусусий шерик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ишлашга қизиқиш билдириб, маҳаллий иқтисодий рағбатлантиради, иш ўринлари яратишга ёрдам беради.

- Муваффақиятли ДХШ лойиҳаси давлатнинг инвестициявий имижини оширади, хорижий ва маҳаллий сармоядорларни жалб қилади, иқтисодий салоҳиятни кенгайтиради.

16. Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?

Ҳа Йўқ

Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:

Иқтисодий вазифалар ва таъсирлар:

1. Сармояларни жалб қилиш: ДХШ (Давлат-хусусий шериклик) механизми орқали хусусий инвестициялар жалб қилиниб, давлат бюджетига юк туширмасдан инфратузилмани янгилаш имкони яратилади;

2. Маҳаллий хомашё ва хизматлар бозорини рағбатлантириш: Капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида маҳаллий маҳсулотлар ва ишчи кучи жалб этилади;

3. Иш ўринларини яратиш: Қурилиш босқичида ҳам, эксплуатация даврида ҳам янги иш ўринлари яратилади, бу эса аҳолининг даромад манбаларини кенгайтиради;

4. Туризм ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш: Спорт ётоқхонаси ва умумовқатланиш хизматлари орқали шаҳарга келувчилар учун қулай инфратузилма яратилади, бу эса ҳудуднинг иқтисодий фаоллигини оширади.

Ижтимоий вазифалар ва таъсирлар:

1. Аҳоли эҳтиёжларига жавоб бериш: Кам таъминланган ва ногиронлиги бор аҳоли қатлами учун умумовқатланиш хизматларига чегирмалар жорий этилиши инклюзив муҳит яратилишини таъминлайди;

2. Ёшлар ва спортчиларни қўллаб-қувватлаш: Спорт ётоқхонаси спортчилар, талабалар ва вилоятдан келган меҳмонлар учун қулай ва хавфсиз турар жой билан таъминлайди;

3. Давлат шеригига қулайлик: Давлат шериги белгиланган график асосида спорт ётоқхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, давлат тадбирлари ва ижтимоий лойиҳалар самарадорлиги таъминланади;

4. Ҳудудий ривожланиш: Лойиҳа маҳаллий жамоаларни ривожлантиришга хизмат қилади, ижтимоий инфратузилманинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Инфратузилмавий вазифалар ва ечимлар:

1. Мавжуд объектларни модернизация қилиш: Эски ошхона биносини замонавий стандартларга мувофиқ реконструкция қилиш орқали фойдаланиш муддатини узайтириш ва функционаллигини ошириш;

2. Энергосамарадорлик ва экологик стандартлар: Лойиҳа доирасида замонавий энергия тежовчи технологиялар, ҳаво ва сув таъминоти, иситиш ва хавфсизлик тизимлари жорий этилади;

3. Шаҳар инфратузилмасига босимни камайтириш: Сифатли турар жой ва умумовқатланиш имкониятлари орқали марказлашган инфратузилмага бўлган юк нисбатан камайди.

17.	<p>Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади</p>
18.	<p>Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) камраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
19.	<p>ДХШ обектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигига тегишли .</p>
20.	<p>Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси №39 уйда жойлашган “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети” ҳудудидаги мавжуд ошхона биносини реконструкция қилиш, аҳоли учун қулай, замонавий спорт ётоқхонаси ва умумовқатланиш биноси ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва фойдаланиш учун 1 632,72 млрд. сўм сармоя талаб қилиниб, тўлиқ хусусий шерик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.</p>
21.	<p>Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
22.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
23.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун мақбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Лойиҳа маълум миқдорда давлат шериги функцияларининг ва харажатларининг камайишига сабаб бўлса, хусусий шерик ошхона ва ётоқхона биносини капитал таъмирлайди ва реконструкция қилади, ҳамда зарур бўлган жиҳозлар билан таъминлаб ушбу бино ва иншоотларда аҳолига фойдаланишга бериш орқали фойда олади.</p>
24.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси №39 уйда жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг умумий ер майдони 811,29 кв. метр бўлган мавжуд ошхона биносини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, давлат шериги билан келишган ҳолда фойдаланиш учун хусусий шерикка ажратилади.</p>
25.	<p>а). Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>б). Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>

	Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:	
26.	Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/> Газ таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/> Электр таъминоти қурилмаларига улаш <input type="checkbox"/> Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти газ таъминоти объектларини куриш, электр таъминоти қурилмаларига улаш, кириш йўлларини куриш, транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади	
27.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва хусусий ташаббускор “EKSLUSIVE FULL XIZMAT” МЧЖ.	
28.	Голиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган 1 марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: <input type="checkbox"/> Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун - 0,2 фоиз <input type="checkbox"/> Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларидан 100 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун - 0,1 фоиз <input type="checkbox"/> Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларидан 1 млрд АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун - 0,05 фоиз <input type="checkbox"/> Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун - 0,02 фоиз Лойиҳа қиймати учун бир марталик комиссия миқдори қўлланилмайди.	
29.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.	
	Масъул этиб тайинланган шахс	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги
	Ф.И.О.	Маркетинг, Аутсосинг ва ДХШни ривожлантириш бўлими Ф. Баймурадов
	Лавозими:	Бўлим бошлиғи
	Тел.:	(71) 239-24-24
	Электрон почта манзили:	invest@minsport.uz

“Киритилди”
“EKSLUSIVE FULL XIZMAT” МЧЖ



С.М. Бегматов

“Келишилди”
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори



Р.М. Маъжаримов